



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2010 йил
30 январь
ШАНБА
№ 8
(12.228)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

www.th.uz

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ«БАРКАМОЛ АВЛОД ЙИЛИ»
ДАВЛАТ ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, ёшларнинг ўз ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўйбга чиқариши, мамлакатимиз йигит-қизларини XXI аср талабларига тўлиқ жавоб берадиган ҳар томонлама ривожланган шахслар этиб вояга етказиш учун зарур шарт-шароитлар ва имкониятларни яратиш бўйича кенг қўламли аниқ йўналтирилган чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадида, шунингдек, Ўзбекистон Республикасида 2010 йилнинг "Баркамол авлод йили" деб эълон қилингани муносабати билан:

1. "Баркамол авлод йили" Давлат дастури тасдиқлансин. Унда қуйидагилар асосий вазифалар этиб белгилансин:

болалар ва ёшларнинг ҳуқуқ ва манфатларини ҳимоя қилишга, уларни баркамол ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, амалдаги қонунчилик ҳамда меъёрий ҳужжатларга замон талабларига мос ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш;

"Соғлом она - соғлом бола" дастурини изчил амалга ошириш асосида соғлом авлодни вояга етказиш борасидаги чора-тадбирларни янада кучайтириш, оналар ва болаларнинг репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш, профилактикага асосланган соғлиқни сақлаш тизимини устувор ривожлантириш, тиббий хизмат моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, соғлом болалар туғилиши ва уларни тарбиялаш билан боғлиқ масалалар юзасидан аҳоли ўртасида тушунириш ҳамда маслаҳат ишларини кучайтириш;

тайёрланаётган мутахассисларга реал иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларидаги мавжуд талабга алоҳида эътибор қаратган ҳолда, ўсиб келаётган ёш авлодга таълим ва тарбия бериш соҳасидаги моддий-техника базаси янада мустаҳкамлаш, ундан оқилона ва самарали фойдаланишнинг таъминлаш, давлат таълим стандартлари, ўқув дастурлари ва ўқув-усулвий адабиётларни такомиллаштириш;

таълим жараёнида янги ахборот-коммуникация ва педагогик технологияларни, электрон дарсликлар, мультимедиа воситаларини кенг жорий этиш орқали мамлакатимиз мактабларида, касб-хунар коллежлари, лицейлари ва олий ўқув юртиларида ўқитиш сифатини тубдан яхшилаш, таълим муассасаларининг ўқув-лаборатория базасини замонавий турдаги ўқув ва лаборатория ускуналари, компьютер техникаси билан мустаҳкамлаш, шунингдек, ўқитувчилар ва мураббийлар меҳнатини моддий ҳамда маънавий рағбатлантириш бўйича самарали тизимни янада ривожлантириш;

замонавий ахборот ва коммуникация технологиялари, рақамли ва кенг форматли телекоммуникация алоқа воситалари ҳамда Интернет тизимини янада ривожлантириш, уларни ҳар бир оила ҳаётига жорий этиш ва кенг ўзлаштириш;

ёш авлодни жисмонан баркамол этиб тарбиялаш, болалар спортини ривожлантириш соҳасида, ёшларни, айниқса, қишлоқ қизларини спорт билан мунтазам шугулланишга кенг жалб этиш, янги спорт мажмуаларини, стадионлар ва иншоотларини қуриш, уларни замонавий спорт анжомлари ва жиҳозлари билан таъминлаш, юқори малакали устоз ва мураббийлар билан мустаҳкамлаш бўйича амалга оширилаётган ишларни изчил кучайтириш;

иқтисодиётни таркибий ўзгартиришнинг муҳим йўналиши, аҳоли ва ўрта синф мулкдорлари даромадларини шакллантириш асоси бўлган кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни ривожлантириш янада рағбатлантириш, бу соҳадаги мавжуд муаммоларни ҳал этиш, ёшлар, авваламбор, касб-хунар коллежлари ва олий таълим муассасалари битирувчиларини, айниқса, қишлоқ жойларда тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш учун шароит яратиш; илм-фанни янада ривожлантириш, иқтидорли ва қобилиятли ёшларни илмий фа-

олиятга кенг жалб этиш, уларнинг ўз ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўйбга чиқариши учун шароит яратишга доир комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш; ёш оилаларга ғамхўрлик қилиш ишларини кучайтириш, уларни ҳуқуқий ва ижтимоий муҳофаза қилишни таъминлаш, жисмонан ва ҳар томонлама ривожланган баркамол авлодни миллий ва умуминсоний қадриятлар ҳамда Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш борасида жамиятнинг муҳим бўлини бўлган соғлом ва мустаҳкам оилани шакллантириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш;

ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, уларни ичкиликбозлик ва ғиёҳвандлик иллатларидан, бошқа турли ҳалокатли таҳдидлар ҳамда биз учун ёт бўлган диний ва экстремистик таъсирлардан, тубан "оммавий маданият" хуружларидан ҳимоя қилишга доир комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 9 декабрдаги 3329-фармойишига биноан тузилган Республика комиссияси "Баркамол авлод йили" Давлат дастури бажарилишини ташкил этиш ва унинг ижроси мониторингини амалга ошириш вазифаси юклансин.

3. "Баркамол авлод йили" Давлат дастурини амалга ошириш бўйича Республика комиссияси (Ш. М. Мирзиёев):

икки ҳафта муддатда вазирликлар, идоралар, ҳўжалик бирлашмалари, жамоат ташкилотлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан ҳар бир вазирлик, идора, минтақа, шаҳар, туман ва аҳоли пункти бўйича ҳудудлар ҳамда тармоқларга оид "Баркамол авлод йили" дастурлари ишлаб чиқиши ва қабул қилинишини таъминласин;

мазкур Дастурнинг бўлиmlари ва бандларини давлат ҳамда ҳўжалик бошқаруви республика органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлар даражасида тўлиқ ва ўз вақтида бажариш ишларини мувофиқлаштирсин, Дастурга киритилган тадбирларнинг амалга оширилиши устидан тизимли назорат ўрнатсин;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонига ҳар чорак якуни бўйича "Баркамол авлод йили" Давлат дастурида тасдиқланган тадбирларнинг бажарилиши тўғрисида ахборот тақдим этсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси (Ш. М. Мирзиёев) Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри ва туманлар (шаҳарлар)да Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва тегишли ҳудудлар ҳокимлари раҳбарлигида Дастурни амалга ошириш бўйича тегишли комиссиялар ташкил этилишини таъминласин, уларнинг зиммасига Дастурда кўзда тутилган тадбирларни сўзсиз ва тўлиқ амалга ошириш бўйича шахсий жавобгарлик юклансин.

5. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Миллий телерадиокорпорацияси ва бошқа оммавий ахборот воситалари: аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида "Баркамол авлод йили" Давлат дастурининг мақсад ва вазифаларини кенг тушунириш;

Дастурнинг амалга оширилиши тўғрисида мунтазам ахборот бериб бориш, давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, жойлардаги давлат ҳокимияти органлари, жамоат ва ноҳукумат ташкилотларнинг Дастурда кўзда тутилган тадбирларни амалга ошириш бўйича қўлган амалий ҳиссасини ёритишнинг таъминласин.

6. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазир Ш. М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 2010 йил 27 январь.

ТАРАДДУД



РАҒБАТ ТУҒАЙЛИ УНУМ ЗҮР

Қўламги экин-тикин мавсумининг яқинлашиши деҳқонларнинг чинакам суянци-таянчи бўлган механизатору таъмирчиларни ҳам биров шошириб қўйиши ҳар йилги табиий ҳол. Айни кунларда вилоятнинг, беистисно, барча марказий ва муқобил машина-трактор паркларида ҳамма русумдаги техника воситаларини сошлаб, тайёрлик чизигига қўйиш билан боғлиқ ишлар якунига етказилмоқда.

«Бўқа тумани марказий машина-трактор парк» очик акциядорлик жамиятининг бу борадаги тажрибасини бошқаларга намуна сифатида тилга олса эрийдик. Аввало, парк ҳудудидagi тартиб, савраном-сарийшталлик бу ерга қадам қўйган кишининг кай-фийтини кўтарди. Техника воситалари русумига қараб, алоҳида сафларга тизилган. Эндигина таъмирдан чиққанларнинг бўёғи ҳали қотмаган. Мотор, токарлик, таъмирлов каби асосий цехларда энг сўнгги ишлар бажарилапти.

Марказий парк тасарруфидagi 22 та "Кейс" пахта териш машинаси биринчи-қатори тайёрлик чизигига қўйилган. Иккита "Класс" ва битта янги келтирилган "Нюхланд" русумли дон комбайнлари анча-

бан доимо унумли ва сифатли ишлашга ҳаракат қилади.

Жамоа нафақат ўзларининг, балки тумандаги 21 та муқобил машина трактор парклари ва 100 дан зиёд фермер ҳўжаликларининг техникаларини ҳам жамлаб, марказлашган тартибда таъмирлаб беради. Жумладан, бугунгача 262 та культиватор, 140 та тўрт қаторли ва 5 та саккиз қаторли "Кейс" севялкаси, 1300 та борона созлашиб, эгаларига етказилди. Умуман, 25 ноябрда бошланган кенг қўламадаги таъмирлаш ишлари 5 январгача анча енгиллашиб, жами 50 миллион сўмликдан кўпроқ пулли хизмат кўрсатилди.

Паркимиз тажрибасидан келиб чиқиб айтганимиз, ҳар қандай меҳнат жамоасининг салоҳияти аввало оддий ишчи, мутахассис ва раҳбар ходимларнинг малакаси ва маҳоратига боғлиқ бўлади, — дейди акциядорлик жамияти бошқаруви раиси Мурод Норматов. — Биз кадрларни танлаш, жой-жой-

ига қўйиш ва малакасини ошириб бориш масаласига доимо жиддий эътибор қаратамиз. Ишчи-хизматчиларимизнинг касб маҳорати юқори эканлиги боис таъмирлаш ишлари сифатли бажарилиб, техникаларимиз буюртмачилар даласида бе-нуқсон ва бетўхтов ишлаб, уларнинг ишончини қозонади. Шу боис ҳар мавсумда салмоқли ва барқарор даромадга эга бўлаяпмиз. Жумладан, ўтган йили 1 миллиард 62 миллион сўм даромад олдик. Шундан 30 фоизи соф фойда.

Яна бир гап. Биз соф фойданинг бир қисmini ишчи-хизматчиларнинг меҳнатини қадрлаш, яъни моддий рағбатлантиришга сарфлаб, қолганини паркимизнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга йўналтира-миз.

Самад Йўлдош.

СУРАТДА: таъмирлаш таъмирловчи Шуҳрат Қодиров.

Даврон АХМАД олган сурат.



ТОШКЕНТ ТУМАНИ

ОНА-БОЛА
САЛОМАТЛИГИ
МУҲОҒАЗАДА

Президентимизнинг "2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида тузилган туман махсус комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда мазкур комиссия раиси Т. Хусайдинова қарор ижросини таъминлаш бўйича туманда амалга оширилаётган ишлар тўғрисида ахборот бериб ва Баркамол авлод йилидаги режалар, вазифалар тўғрисида тўхталди.

ЗАНГИОТА ТУМАНИ

ЗУККО ЎҚУВЧИЛАР
ГУРУҲИ

Тумanning Тошкент банк-хисоб кредит касб-хунар коллежининг "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилоти қошида "Максимум" гуруҳи тузилган. Энг зукко, иқтидорли ўқувчиларни жамлаган гуруҳ коллежининг барча тадбирларида фаол қатнашмоқда.

Ҳаракатнинг туман кенгаши уюштирган "Қувноқлар ва зукколар" ҳудудлараро мусобақасининг туман босқичида ана шу жамоа ғолиб бўлди. Эндигинада гуруҳ аъзолари мусобақанинг кейинги босқичига тайёргарлик кўрмоқдалар.

ПИСКЕНТ ТУМАНИ

ФЕРМЕРЛАР
УЧУН ТАҚДИМОТ

Туман ҳокимлигида қишлоқ ҳўжалик экинларини етиштиришда фойдаланиладиган янги ўғитнинг тақдими бўлди.

Гидрогеология ва муҳандислик геологияси институти ходимлари томонидан ишлаб чиқилган ўғит "Супергумус" деб номланади. Тақдимотда институт тажриба ҳўжалиги бошлиғи Эркин Мавлонов сўзга чиқиб, ўғитнинг таркиби, қўллаш усуллари, фойдали хусусиятлари ва самараси ҳақида тўхталди. Шунингдек, фермерлар ўзларини қизиқтирган саволларга аниқ жавоб олдилар.

Ирода НОРБОВЕВА тайёрлади.

ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА

КЕЛАЖАК
ПОЙДЕВОРИ

Охангарон туманидаги Нуробод касб-хунар коллежида "Баркамол авлод - келажак пойдевори" мавзусида маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

У туман маънавий тарғибот маркази, вилоят ўртамахсус, касб-хунар таълими бошқармаси, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати туман кенгаши ва ОИТСга қарши кураш маркази ҳамкорлигида уюштирилди. Ўқувчилар Ўзбекистон халқ артисти Хусан Шарипов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ражаб Адашев каби санъаткорлар сўхбатидан баҳраманд бўлишди.

ҚАМРОВИ
КЕНГ МАВЗУДА

Ўртачирчиқ туманининг 71, 72, 26, 7, 1-умумтаълим мактабларида "Одам савдосига қарши курашамиз" мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Унда "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ва халқ таълими бўлими вакиллари иштирок этиб, сўнгги йилларда авж олиб бораётган салбий иллат - одам савдосининг аянчли оқибатлари ҳақида сўзладилар. Мавзуни кенгрок ёритиш мақсадида ўқувчиларга махсус фильм намойиш этилди.

МАРДЛАР ҚҮРИҚЛАЙДИ ВАТАННИ

Мамлакатимизда замонавий талаб ва андозаларга жавоб берадиган, юртимиз мустақиллиги, унинг хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини ишончли кафолатлайдиган Қуролли Кучлар шакллантирилди. Бугун армияда хизмат қилиш, ҳақиқий ша-рафга айланган, десак муболага бўлмайди. Республика Президентининг 2008 йил

20 ноябрдаги "Қуқроларнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида муаллали ҳарбий хизматни ўташ шарт-шароитларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонида мувофиқ, қуқроларни муаллали ҳарбий хизматга йилига бир марта - февраль-март ойларида қа-қирши белгиланди.

ҲАҚИҚИЙ ЎҒЛОНЛАР
ОРЗУСИ

Шу кунларда вилояти-мизда Қуролли Кучларга навбатдаги қақирувга ало-ҳида ҳозирлик қўрилайтир. Бунда Юртбошимизнинг "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида қуқро-ларнинг навбатдаги қақир-ув ҳамда муаллали ҳар-бий хизматининг белгилан-ган муаллалирини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчи-ларни хизматдан бўшатиш тўғрисида"ги қарори му-ҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилаётир.

Сафарбарлик-қақирув олдида турли танловлар ўтказиш аянзага айлан-ган. Қуни кеча вилоят му-дофعا бошқармаси ҳамда республика Давлат тест маркази билан ҳамкорлик-да навбатдаги қуқрик-тан-лов ўтказилди.

Танловни ўтказишдан мақсад, — дейди вилоят мудофعا ишлари бошқар-маси бошлиғи Фаҳриддин Ақромов, — қақирилуви-



ларнинг ҳарбий хизматга иштиқини ошириш, дунё-қарашини шакллантириш. Шунингдек, Миллий ар-миямизга ҳар томонлама етук, жисмонан бақувват ёшларни танлаб олиши-ди. Бугун вилоятимиздаги бар-ча қақирув пунктларида тайёргарлик ишлари яку-нига етмоқда.

Ватан ҳимояси ҳаммизга муқаддас саналган. Зеро, юртининг тинчлиги, элнинг фаровонлиғи Ватан ҳимоя-сига отланган ана шу мард, жасур ўғлонларнинг ҳар то-монлама баркамол бўлиб, ўсиб-ўлғайишига боғлиқ. Ўлугбек ҲАМРОҚУЛОВ, "Тошкент ҳақиқати" муҳбири.

САРҲИСОБ

ЭЗГУ АНЪАНАЛАР ДАВОМ ЭТАДИ

"Маҳалла" хайрия жамғармаси вилоят бўлимининг 2009 йилдаги фаолияти сарҳисоби ҳамда жорий йилдаги устувор вазифаларни белгилаб олишга бағишланган раёсат йиғилиши бўлиб ўтди. Унда раёсат аъзолари томонидан ўтган "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиғи йили" Давлат дастури, шунингдек жамғарма низомида белгиланган вазифалар иж-росини таъминлаш юзасидан амалга оширилган қўламли чора-тадбирлар муҳокама қилинди.

Қайд этилдики, Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиғи йили жамғарма фаолиятида алоҳида ўрн тутди. Жойлар-

да ўзини ўзи бошқариш идоралари фаолиятини қўлаб-қувватлаш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш,

қишлоқ аҳолисининг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш ишлари қўлами ниятда кен-гайди. Йил давомида жамғар-ма томонидан 92 та фуқаро-лар йиғинларига компьютер жамламалари, 76 тасига ме-бель жиҳозлари олиб берил-гани, 36 минг 128 та кам таъ-минланган оилага турли шакл-да мурувват ёрдамлари кўр-сатилгани фикримиз далили-дир.

Йиғилишда таъкидланган-нидек, жамғарма фаолияти Баркамол авлод йилида яна-да янгила мазмун-моҳият касб этади. Бу йилда асосий эътиборни аҳолининг эҳтиёж-мадан катламини моддий ва маънавий жиҳатдан қўлаб-қувватлаш билан бир қатор-да аҳоли ўртасида олиб бо-риллаётган маданий-маъри-фий ишлар самарадорлиғи-ни ошириш, ёшлар билан

ишлаш комиссиялари фаоли-ятини такомиллаштириш, уларни салбий иллатлар таъ-сиридан асраш, ислохотлар жараёнида маҳаллаларнинг иштирокини кенгайтириш, бу борадаги вазифаларни ҳаёт-га татбиқ этишда жамоат ташкилотлари ва таълим му-ассасалари билан ҳамкорлик-ни кучайтириш масалалари-га қаратишга келишиб олин-ди.

ҚОНУН ВА ИЖРО

ТРАНСПОРТ ЭГАЛАРИНИНГ
ИШОНЧЛИ МУҲОФАЗАСИ

Ўзбекистон Республикасининг 2008 йилда қабул қилинган "Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида"ги қонуни кучга киргандан буюн "Ўзагросуғурта" компанияси мижозлари иштирокида содир этилган 956 ҳолат бўйича жабранувчиларга компания томонидан 1 миллиард сўмга яқин суғурта товони тўланди.

Юртимизда автотранспорт эгалари транспорт воситасидан фойдаланиш пайтида бошқа шахсларнинг ҳаёти, соғлиги ёки мулкига зарар етказганини учун ўзининг фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиши мажбурияти қонун билан белгиланган. Фуқароларнинг ижтимоий муҳофазасини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Айни кунда мамлакатимизда автотранспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича "Ўзбекинвест", "Ўзагросуғурта", "Kafolat", "Ishonch", "Alskom", "Asia Inshurans", "Alfa Invest", "Kapital Sug'urta" каби суғурта компаниялари фаолият олиб бормоқда. Шунингдек, бу ишни амалга оширишда қўллаб-қувватлашчи ҳокимият ва ташкилотлар, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва унинг Давлат суғурта назорати бўйича инспекцияси, Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш бўйича тўловларни қафолатлаш фонди, Ўзбекистон суғурта бозори профессионал иштирокчилари уюшмаси қатнашмоқда.

Мажбурий суғурталашнинг ушбу шаклини ривожлантириш зарар кўрганларнинг манфаатини ҳимоя қилишга қаратилган бўлиб, зарар етказган шахснинг молиявий ҳолатидан қатъи назар, у суғурта тўловини амалга ошириш ва келтирилган зарарни қонунда кўрсатилган миқдорда қоплаш имконини бермоқда.

Мамлакатимиз суғурта бозорига ўзининг нуносиб ўрнига эга "Ўзагросуғурта" давлат акциядорлик суғурта компанияси суғуртанинг замонавий, истемолчилар талабларига мос янги турларини ҳаётга татбиқ этишга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Компаниянинг жойларда 21 суғурта агентлиги шўъба корхонаси, 13 вилоят дирекцияси, 170 га яқин туман ва шаҳар бўлиналари фаолият юритмоқда. Юртимизнинг энг чекка ҳудудларида яшовчи аҳолини суғуртавий ҳимоялаш даражасини ошириш учун 447 шохбча ташкил этилган ва уч минг нафарга яқин суғурта агенти меҳнат қилмоқда.

Компания қошида ташкил этилган ўқув марказида ҳудудий бўлиналари ходимларига етакчи мутахассислар суғурта иши, менежмент, маркетинг, молия ва бошқа алоқадор соҳалар бўйича сабоқ бермоқда. 2009 йил мобайнида бу марказда 400 нафардан зиёд суғуртачи ўз билим ва тажрибасини бойлатди.

Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича "Ўзагросуғурта" мажбуриятлари ҳажми 2,5 триллион сўмдан ортиқ бўлган 600 миңга яқин полислар берилди.

Инсон манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган ушбу қонуннинг бажарилиши суғуртачи ва фуқаролар учун бирдек фойдалидир.

Холмурод САЛИМОВ,
ЎЗА мухбири.

ОҒУФУРУШЛАР
ҚЎЛГА ТУШДИ

Ҳуқуқ-тартибот идоралари ҳокимлари ва маҳалла фаоллари жойларда ўтказилаётган тадбирларда гиёвандликка қарши курашиш ва бу илат келтирувчи фожияларнинг олдини олиш мақсадида наркотик моддалар билан ноқонуний муомала қилиш билан бир қаторда таркибда гиёвандлик моддалари бўлган ўсимликларни етиштириш, сақлаш, сотиш ҳамда етказиб бериш ҳам жиноят эканлигини тушуниришмоқда.

Айни пайтда тезкор фаолият натижасида бир қанча жиноятларни фожия ва турли миқдордаги гиёванд моддаларни йўқ қилишга эришилди. Жумладан, шу йилнинг 5 январь кунини ички ишлар бошқармасининг наркотик ва наркотик моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши курашиш бўлими ва Оҳангарон тумани ички ишлар ходимлари билан ҳамкорликда Озодлик қишлоғида ўтказилган тезкор тадбир давомида бир жиноий гуруҳ фаолиятига чек қўйилди. Фуқаролар Жўра, Эшмуҳаммад ва Буниса ўзаро жиноий тил бириктириб, 1 килограмм героин моддасини сотаётганларидан қўлга олинди.

Жиноят юзасидан тергов-суриштирув ишлари давом этмоқда.

Шерали АНВАРОВ,
вилоят ички ишлар бошқармаси матбуот маркази катта нозири.

ЧОРВАЧИЛИК



ЎЗЛАРИ ЕТИШТИРИБ, ҚАЙТА ИШЛАШАДИ

Паркент туманидаги «Аччисой» маҳалласи аҳли бугун чорвачиликка ихтисослашган "Талант" фермер хўжалиги ҳақида фахрланиб гапирди. 1997 йили чорвага ихтисосманда Уктамбой Икромов шу хўжаликка асос солган эди. Мол туғи муҳаллага етиб, уларни боқиб, маҳсулотни пешма-пеш сотиш равои йўлга қўйилган, хўжаликни ўғли Элмуродга топширди.

Бугун фермер хўжалиги адл оёкка туриб, туманининг иқтисодий салоҳиятига салмоқли хисса қўшаётди. Моллар 248 бошга етди. Шундан 80 боши соғин ситир. Уларнинг ҳар биридан кунига ўртача 10 литрдан сут соғиб олиниб, 400 литри буюртмачиларга шартнома асосида етказиб бериляпти.

Чорвачилик йўналишида фермер хўжалигини ташкил этишни ният қилганимиздаёқ қўлгина мақсадларни режалаштириб қўйилди. — дейди Элмурод Икромов. — Орзуларимиз бирин-кетин рўёбга

чиқаяпти. Ўзимиз етиштириб, қайта ишлашдан янги цехнинг ҳужжатларини тўлиқ тайёрлаб, расмийлаштириб қўйдик. Уни қуриб битказган, тўла қувват билан ишлаши учун мол туғини 500 тага етказмоқчимиз. Хозир хўжалигимизда 4 соғувчи ва 7 молбоқар бўлса, моллар қўпайиб, цех ишга тушса, улар камида 23 кишига етади.

Фермер хўжалигининг моддий-техник базаси ҳам анча мустаҳкамланди. 115 гектар экин майдонининг

50 гектарида галла, 35 гектарида беда, 20 гектарида маккажўхори, 10 гектарида бошқа озуқа турлари етиштирилади. Бунинг учун хўжаликнинг ҳайдов ва транспорт тракторлари, тиркама ва сеялкалари, дон комбайни, силос ва беда ўрадиган механизмлари етарли.

СУРАТДА: фермер Элмурод Икромов хўжалик аъзолари билан молларнинг озуқа рационини яхшилаш хусусида суҳбатлашмоқда.

Собир ЗУФАРОВ
олган сурат.

ЯНА ТЎЛОВЛАР ҲАҚИДА

Кундалик турмушимизда сув ва ҳаводек зарур бўлган неъматлардан бири электр қувватидир. Агар ишхона ёки хонадонимизда бирон дақиқа чироқ ўнса, даров таъминотини айблаймиз. Бироқ, бунга аксарият ҳолларда, истеъмолчилар, аниқроғи, ўзимиз фойдаланилган электр энергияси ҳақини вақтида тўламаганимиз сабаб бўлаётганлигини унутамиз.

Хўш, Зангиота тумани истеъмолчилари электр ҳақини вақтида тўлашмаяптими?

— Электр қувватининг асосий қисми иссиқлик электр станцияларида қимматбаҳо ёқилиб ва минглаб ходимларнинг ўта мураккаб технология жараёнларида туну кун узлуксиз кеңадиган машаққатли меҳнатлари ҳисобига ҳосил қилиниб, истеъмолчиларга етказиб берилади, — дейди "Тошкент электр тармоқлари" очик акциядорлик жамияти Зангиота туман электр тармоқлари бошлиғи Сайфулла Нўмонов. — Туманимизда 32 миң 600 чакана ва 840 улгурчи истеъмолчига бир кеча-кундузда 600 миң киловатт-соат электр қуввати етказиб берилмоқда.

Миллион сўмдан ошиб кетса ҳам пинак бузилар келмайди. Масалан, "Сувтаъминот" 750, "Туманлараро сув оқава" 400, "Мусаффо оби-ҳаёт" очик акциядорлик жамияти 14 миллион сўм қарз. Йил бошида 10 миң 860 хонадон ўртача 200 миң сўмдан, 7 миң хонадон 100 миң сўмдан қарз эди. Масалан, Зангиота қишлоғида яшовчи Илхомовлар хонадон 503 миң 884 сўм, Раҳимбергеновлар хонадон 669 миң 840 сўм, шунингдек, Эркин қишлоғида яшовчи Исмоиловлар хо-

надон 419 миң 904 сўм қарздор бўлиб қолган.

Шу йилнинг январь ойи бошига қадар туманининг қарзи 10 миллиард 200 миллион сўмдан ошиб кетди. Унинг 7 миллиард 200 миллион сўми

алоқа бўлими тўловларни қабул қилмоқда. Қолаверса, ҳар бир ҳудудга назоратчилар бириктирилган. Улар "PAYNET" электрон тўлов воситаси орқали пластик картчалардан ҳам тўловларни

ХОНАДОНИМИЗ
ҲАМИША ЧАРОҒОН

бўлиши учун электр қуввати ҳақини
ойма-ой тўлаб боришимиз лозим

аҳоли ҳиссасига тўғри келади. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, бундай ташвишли ҳол истеъмолчиларнинг эътиборсизлиги ва лоқайдлиги туфайлидир. Қарздорликни бартараф этиш мақсадида 2009 йил давомида чакана абонентларнинг 4,5 миллиард сўмлик қарзини ундириш учун хўжалик судига даъво аризалари киритилди.

Истеъмолчиларга коммунал тўловларни тўлашда қулайликлар яратиш чора-тадбирлари қўрилмоқда. Жумладан, жойларда халқ банки ва почта

қабул қилишмоқда.

Хозир туманда фойдаланиётган бир кунлик электр энергиясининг қарийб 80 фоизи учун ҳақ йиғилишга эришилмоқда. Лекин бу мавжуд муаммоларни тўлиқ бартараф этолмайди. Жойларда электр энергиясидан ноқонуний фойдаланиш ҳоллари ҳам учрамоқда. Утган йилнинг туртинчи чорағида 80 та ана шундай ҳолатга дуч келинди. Жумладан, 34 истеъмолчи электр тармоғига рухсатсиз улашиб олган, 19 истеъмолчи электр ҳисоблагичдан ташқари, яъни ҳуфиёна фойдалан-

ЯРМАРКА ОЛДИДАН

ИХТИРОЧИ
ЯРАТГАН УСКУНА

Ишлаб чиқарувчиларни илғор тажриба ва фан ютуқлари билан таништириш, замонавий технологияларни ўзлаштириш ҳамда олимлар билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш ҳар бир соҳа ривожига муҳим аҳамиятга эга.

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2008 йил 15 июлда қабул қилинган "Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қароридан илмий-тадқиқот ташкилотлари ва иқтисодиётимизнинг реал сектори корхоналари ўртасида ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш, фан ютуқларини ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш асосий вазифа сифатида белгиланган. Аънавий тарзда ўтказиб келинаётган Республика инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркаси бу борада амалга оширилаётган ишларни тақомиллаштиришга хизмат қилмоқда.

Жорий йилда бўлиб ўтган ярмаркада ҳам қўллаб-қувватлашчи ва рационализаторлар ўзларининг интеллектуал маҳсулот билан қатнашганини мўлжалламоқда. Улардан бири техника фанлари номзоди Рустам Остоновдир. У ярмаркада саноат корхоналари мўриконларидан чиқарган газ ва чанг аралашмаларини тазалаш ускунаси билан иштирок этади.

Ихтирочининг яратган ускунаси саноат корхоналари мўриконларидан чиқарган заҳарли чанг ва газларни тўла тазалаш, атроф-муҳит учун зарарсиз ҳолатга келтиради. Айни вақтда юртимиздаги кимё



заводлари, металлургия корхоналари ҳамда цемент-бетон заводларида қўлланилаётган қўллаб-қувватлашчи чанг-газлардан катта маблағ эвазига келтирилади. Янги ускунанинг яна бир эътиборли жиҳати уни ишлаб чиқаришда асосан маҳаллий хом ашёдан фойдаланилади.

Усқунанинг баландлиги 10 метр, иккита камерали бўлиб, улардан бири газ ва чанг аралашмаларини сўриб олиб, ҳаво-томчи аралашмасини ҳосил қилади. Мазкур аралашма ко-нуссимон қувур орқали суюқ ҳолатга келтирилади ва совутиш сиғимига ўтказилади.

Айни вақтда мазкур усқунанинг турли ўлчамдаги-лари тайёрланмоқда. Ҳавога чиқарилаётган газ ҳажмига қараб, унинг унумдорлигини ошириш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси томонидан мазкур қурилма учун патент берилган.

Сайёра ШОЕВА,
ЎЗА мухбири.

ДИЛ ИЗХОРИ

МАМНУН
БЎЛДИК

Ўзининг меҳнати билан эл ардоғига тушган инсонлар оралида талайгина. Бўка тумани ижтимоий таъминот бўлими ходимларини ҳам шундайлар қаторига қўйиш мумкин.

Тумандаги ёрдамга муҳтож оилалар, ёлғиз кексалар, ногиронлар доимо уларнинг эътиборида. Халқимизнинг байрам, шодиёна кунларида турли совғасаломлар билан йўқлаб туриш, кўнгилларини кўтариш улар учун одатий ҳолга айланган. Бундай тадбирлар "Истиқлол" дехон бозори, "Бўка матлуботсавдоин-вест" масъулияти чекланган жамияти, давлат таъминоти корхонаси ҳамда марказий шифохона ҳомиёлиги билан тез-тез ўтказилиб турилади. Яқинда тумандаги "Осиё" ресторанида ўтказилган байрам дастурида ҳам туманининг кекса ота-хон ва онахоналари, ўзгалар эътиборига муҳтож фуқаролар иштирок этди. Жумладан, биз ҳам байрамда қатнашиб, кўрсатилаётган меҳр ва ғамхўрликдан мамнун бўлдик.

Тўқин дастурхон атрофида ўтирган кексаларнинг юзида миннатдорчилик туйғуларини акс эттиб турарди.

Сафура БЕННУЗИНА,
Шоира ҚУЗИЕВА,
Лидия ФЕДОРОВА,
меҳнат фахрийлари.

ПОЛИМЕР
ЧИҚИНДИДАН
МАҲСУЛОТ

Янгийўл шаҳридаги "Avesto shams" хусусий корхонаси иккиламчи полимер чиқиндиларни қайта ишлаб, янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган бўлиб, бу ерда бир ойда 40 тоннадан зиёд чиқинди қайта ишланмоқда.

"Nexia" автомобили учун зарурий бутловчи қисмлар, қишлоқ хўжалигида ишлатиладиган ҳамда шиша идишлар учун қўтилар, диаметр 40 дан 160 миллиметргача бўлган сув ва канализация қувурлари, полиэтилен плёнкалар ҳамда кумли полимер черепицалар тайёрлаб, буюртмачиларга етказиб бериляпти.

Жамоанинг саяй-ҳаракатларига яраша корхонанинг иқтисодий салоҳияти йилдан-йилга юксалиб бораётди. 2008 йилда 184 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, 14,7 миллион сўм соф фойда қўрилган бўлса, 2009 йилда маҳсулотлар 550 миллион сўмга яқинлашиб, соф фойда 55 миллион сўмга етди.

СУРАТДА: (чапдан) корхона менежери Отабек Ҳасанов ва машинист-оператор Ақром Қосимов маҳсулотларнинг сифатини назорат қилишмоқда.

Даврон АҲМАД олган сурат.



ХИЗМАТ ТАЛАБГА ЯРАША БЎЛСИН

Вилоят ҳокимлигининг йўловчи транспорти барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш департаменти ўтказаятган тендер савдоларидан асосий мақсад йўловчиларга қўлай ва хавфсиз транспорт хизматини йўлга қўйишдир.

Вилоят ҳокимлигида бўлиб ўтган Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичида) йўналишларда йўловчи ташишни ташкил этиш вилоят комиссиясининг навбатдаги йиғилишида шу ҳақда алоҳида тўхталиб ўтилди.

Йиғилишда вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари, комиссия раиси Сирожиiddин Илхомов олиб борди. Унда вилоятимизда Тошкент шаҳри ҳудудига кириб келувчи йўналишларнинг охириги тўхташ бекатлари ҳақида сўз борди. Маълумки, Тошкент шаҳри ҳокимининг 2009 йил 9 февралдаги "Тошкент шаҳри ҳудудида йўловчи ташиш автомобиль транспорти ҳаракатини тартибга солиш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, вилоятимиздан пойтахтга кириб келаётган йўловчи транспорт воситалари ҳаракатини чеклаб қўйиш аҳолининг ҳақли эътирозларига са-

баб бўлади. (Бу ҳақда "Тошкент ҳақиқати" газетасининг 2009 йил 29 декабрь сонида атрофчила мулоҳазалар беририлган эди).

Йиғилишда мавжуд йўналишдаги транспорт воситалари ҳаракатининг охириги бекатини аниқлаб олиш масаласи кенг муҳокама қилинди. Кайд этилганидек, бугунги кунда шаҳар ва туманлардаги айрим йўловчи ташиш корхона ва ташкилотлари нақд пул тушуми режасини бажармаётгани ташвиш уйғотаётди. Жумладан, Бўка, Бўстонлик, Паркент, Ўртачирчиқ, Юқоричирчиқ туманларидаги йўловчи ташиш корхоналарида бу борадаги аҳвол, айниса, ачинарли. Йиғилишда Юқоричирчиқ туманида рўйхатдан ўтган "Карима интранссервис", "Муҳиддин балиқчи", "Оқ йўл", "Шавкат интранссервис" хусусий корхоналарига нисбатан тегишли чоралар қўрилаётгани

маълум қилинди.

Комиссия йиғилишида муҳокама этилган бошқа масалалар бўйича ҳам тегишли қарорлар қабул қилинди.

Шундан сўнг, шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичида) йўналишларда йўловчи ташишни ташкил этиш вилоят комиссиясининг очик тендери ўтказилди. Тендер талабига кўра, Темир йўл вокзали — Қизил кўприк, УМК бозори — Фарход маҳалласи, Ширинсой — УМК бозори — 13-дах, УМК — Турғунбоева маҳалласи йўналишларида каттагирлар бўлмаганлиги босим кейинги тендерга қолдирилди. Навбатдаги Бўка — Саймоқов қишлоғи, Бўка — Олмалик, Бўка — Ровот қишлоғи, Бўка — Ангрэн, Бўка — Қашқадарё қишлоғи йўналишларини "Сарбон" масъулияти чекланган жамияти ютиб олди. Янгийўл — Тинчлик йўналишида талабгор топилмади. Янгийўл шаҳар бозори — Бўзсув, Янгийўл — Ўқитувчи қишлоқ олий илмгоҳи йўналишлари "Автохизмат" масъулияти чекланган жамиятига ҳасил этди.

Учкун ҲАМДАМОВ.

ООО "O'zkitobulgurjisavdo" сообщает, что была утеряна кадастровая справка (форма № 18) за № 1299 от 01.06.2006 года,
**СЧИТАТЬ
НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

ТЕННИСЧИЛАРИМИЗ ҒАЙРАТИ

Бирлашган Араб Амирикларининг Фужайра шаҳрида ўсмирлар ўртасидаги халқаро теннис турнирида юртимиз шарафлини ҳимоя қилаётган Неймат Шофайзиев ва Шухрат Гизатулиннинг ўйини муҳлису мутахассисларга манзур бўлмоқда.

Дунёнинг ўндан зиёд мамлакатидан келган теннисчилар беллашаётган турнирнинг иккинчи даврасида энг кескин ва мурасиз учрашув Неймат Шофайзиев ва россиялик Андрей Южный ўртасида бўлди. Яққалиқлар баҳсида ўчинчи рақамда сараланган спортчимиз дастлабки сетда рақибини 6:3 ҳисобида мағлуб этган бўлса-да, кейингисидан россиялик теннисчининг қўли баланд келди — 1:6. Ҳал қилувчи сетда ҳужумкор ўйин кўрсатган Н. Шофайзиев 6:3 ҳисобида устун келди ва энди ярим финал йўлланмаси учун италиялик Жанмарко Касасега қарши қоратга чиқади.

Шухрат Гизатулин иккинчи даврада иорданиялик Саиф Адаас билан беллашди. Рақибдан ҳар томонлама устулликни намойиш қилган ҳаюмортимиз 6:3, 6:1 ҳисобида зафар кучди. Энди Ш. Гизатулин россиялик Иван Верещчага билан рақобатлашди.

Жуфтликлар баҳсида россиялик Владимир Поляков билан энг кучли дуэтни ташкил қилган Неймат Шофайзиев ярим финалга йўлланма олди. Улар чорак финалда россиялик теннисчилар — Иван Верещчага ва Андрей Южнийни 6:3, 6:4 ҳисобида мағлубиятга учратди.



КУЧЛИЛАР ҒАЛАБА ҚОЗОНДИ

Чимёнда тоғ чангиси бўйича Ўзбекистон кубоги мусобақасида мамлакатимизнинг энг кучли спортчилари куч синашди.

Мусобақа олимпиада йўлланмаси соҳиблари — Ксения Григорьева ҳамда Олег Шамаев учун жорий йилнинг 12-28 февраль кунлари Канаданинг Ванкувер шаҳрида бўладиган навбатдаги қишқи Олимпиадага тайёргарлик вазифасини ўтади.

К. Григорьева слалом-гигант баҳсларида катнашган хотин-қизлар ўртасида яхши натижани қайд этиб, мусобақа ғолиби бўлди. Қолган совирилли ўринлар Оксана Зуева ҳамда Мадина Рахмоловага насиб қилди. Слалом беллашувларида кучли

учлик Светлана Баранова, Оксана Зуева ҳамда Татьяна Барановадан таркиб топди.

Эркаклар ўртасидаги слалом-гигант беллашувларида Олег Шамаев асосий рақобатчилари — Артём Воронов ва Сафар Эгамбердиевни ортда қолдириб, шоҳсупанинг юқори поғонасига қўтарилди. Слалом бўйича Артём Вороновга етадигани топиламади. Алишер Тўйлибоев иккинчи ўринни эгаллаган бўлса, Константин Шенников бронза медал билан тақдирланди.

Зоҳир ТОШЎЖАЕВ,
Ўза муҳбири.



Кўчаларда қиш таровати.

Собир ЗУФАРОВ сурат-лавҳаси.

ОДАМИЙЛИК ШЕВАСИ

Дарвоза очилгандек бўлди. Гулолим апил-тапил хамир қорганча, ташқарига қаради. Ҳовлида Хошимнинг қорасини кўриб, ичи сиқилди. Бугуннинг ўзида учинчи марта келиши. Поччасининг ишдалигини билади-ку...

Ошхонага кириб келган укасига сир бой бермай, тўрдаги кўрпачага таклиф қилди.

— Бемалол, ишингизни қилаверинг. Поччам келдимизки деб...

— Кеч келишини биласан-ку, бугун молга ўтиши керак, — Гулолим укасига зимдан қараб қўйди ва бундан олти йил аввалги қилмишини эслаб, нафрати кўзиди. Аммо жигар экан, буни унутишга уринади. Яхшиямки, эри Самигжон ваэмин йўғит, юзига солмади. Хошимнинг олдига лаганд тарвуз олиб келди.

— Мана бунга еб ўтир, ҳозир чой қўяман.

Опасининг илтифотидан эриган Хошим биратўла ёнбошлаб олди.

Шу орада кўчада машина овози эшитилди. Хошим сергақлашиб, ўрнидан турди ва дарвозахона томон юрди. Ташқарида таниш сигнал эшитилди.

Самигжон қайниси билан қуюқ сўрашиб, ичкарига кирди. Дастурхон устида қайнисининг муддаосини билгач, хотинига имлади:

— Гули, кечаги пулни олиб чиқ. Гулолим эрига норози туш қаради. Гарчи қарз сўраб келган укаси бўлса-да, кўп марта алданиб, ўнун унга ишонмасди. Эрику бирор марта тиш ёриб, қайнисида нолимаган, лекин опанинг юрагидаги жароҳат кетмаган. Ўшанда эри касал бўлиб ётмаганида ва ўғилчаси операция бўлма-

ҚАРЗ

ганида укасига иши тушмасди. Самигжон уч йил тўшақда ётди. Хизмат жойида жароҳатланди, бу ҳам етмагандек, умуртқа суяги шикастланиб ётиб қолганида, унга, ҳатто, саратон хасталиги деган ташхис ҳам қўйилди. Хайриятки, ташвишлари ортда қолиб, эри оёққа туриб кетди.

Орадан икки ойлар ўтгач, опа укасига дарс бўлсин, деб қарзни

риятга учради. Шунда елка қисиб, поччасининг ҳузурига келди. Қайнисини ҳеч нарса бўлмагандек кўриб олди, бори уни қўлга тутди, аммо опа тутатиб кетди. Ука заррача хижолат чекмади. Пулни олиб, иршайганча кетди.

Орадан икки ойлар ўтгач, опа укасига дарс бўлсин, деб қарзни

рача таъсир қилмагани кўриниб

турарди, аксинча, поччасининг қарзни кечганидан мамнуллигини яширолмади:

— Мен ҳам афтингизга қарамасдим-у, поччам маладес-да, ўғил боланинг ишини кипти! Ўзиям ўладиган жойда эмас, фақат сиз қаттиқроқ чиқиб қолдингиз, опа!

Ота уйдан чиқар экан, Гулолимнинг кўнгли эзилди. Агар онаизори ҳаёт бўлганида кизининг кўнглини кўтарган, беоқибат укасини инсофга чақирган бўларди. Эси... Ўзида инсоф бўлмаса, қийин экан. Укамнинг ёлғизлиги билинмасин, деб ҳоксор эридан яшириб берган қўмақлари Хошимнинг ёдидан тез чиқди. Онаси раҳматли ҳаётлигида "ёлғизнинг дийдаси тош бўларкан, болам", деб кўп таъкидларди. Ўшанда ҳам Хошим онасига ёлчитиб қарамаган. Шунда ҳам онаизор бирор марта ундан гина қилмаганди. Фарзандлари ўртасидаги оқибатнинг кўтарилишидан кўрққандир, эҳтимол. Гулолим болаларидан ортиб, онасини йўқлаб келганида, кекса онасини доим томорқасидан ёки оғилхонадан топарди. Укасида жажли чиқса, онаси чалгитарди:

— Унгаям қийин, иш одами, болам. Укамга мен ачинмасам, ким ачинади? Хотини ҳали гўр...

Хошим онаси айтганидек, гўрлигича, такаббурлигича қолган, сира ўзармаган. Бошига иш тушганда ҳам кўзи очилмади, оққорани ажратмади. Хошимнинг кўзи ҳали-бери очилмайдиган кўринад...

НИГОРА ШОФАЙЗИЕВА.

БИЛАСИЗМИ?

Чарм пайабзалдаги доғин бензин ёки пивз шарбати ёрдамида, йод изларини нашатир спирти, лаб бўёғини эса оддий спирт ёрдамида йўқотиш мумкин.

Замш оёқ қийимини аввал буғ устида ушлаб туриб, сўнгра махсус шётка ёрдамида тозалаш керак.

Сочиклар ўзининг момиқлигини йўқотмаслигини истасангиз, ювганидан сўнг уларни 15 дақиқага тузли сувга солинг ва дазимоланг.

Чумолилар шакар, асал ёки мураббо солинган банкага «хужум» қилишини истасангиз, идиш четида кунгабоқар ёғини сўриб қўйинг.

Леналининг иссиқ сув, сода ёки нашатир спирти солинган сувда ювиш ярамайди. Булардан унинг ранги хиралашиб, тезда яроқсиз ҳолга келади. Яхшиси кир совун солинган сувда ювиб, сўнгра устидан қуруқ латта билан артиб юбориш керак.

Гиламининг доғ бўлган жойи аввалгидек ёрқин товланишини истасангиз, кечқурун устига майда туз сеипиб, эртасига тузми ошмоқ нам латта билан артиб юборинг.



«НИНГ» БИЛАН «НИ»НИНГ ФАРҚИ

Текширувчи дегани ҳам симёғочга ўхшаган бўладими? Бунақа бачкана, мижғов текширувчини девона маҳалани излаб ҳам тополмайсиз. Ёнимда "нинг" билан "ни"нинг фарқини мендан ўрганган шогирдим Рўзқуллов турганди-да, шунинг олдидан паст кетмай деб:

— Бизам текширувчи жам олдидан ўқитувчиларидан бўлмасак-да, мактабнинг ишонган тил-адабимиз. Ўқувчиларимиз ҳам, жа туманлар олимпиадаларида олдинги ўринларни эгаллашмасан-да, мактабда биринчи! — деб тушунтирмоқчи бўлдим.

Тушунмади. Қўл сийтаб юбордим-э! «Олиймот бўлиб

туриб мен тушунтиролмадимми, энди сенга ҳеч ким тушунтиролмайди!» — деб қўйишди ичима.

— Дарсингизни кўраман! — деди, олиб қирдим.

«Ўқувчиларингиз соқовми?» деб қийди.

— Хужжатларингизни кўрай, — деди.

Хужжат ишларини қотириб қўямиз энди! Мактабда болаларга билим бермасанг берма, хужжатини қилиб қўй, деган ишорим бор: бир аравасини олдиға тахалаб ташладим. Варақлашга киришди — эриммасан кал!

— Булар адабиёт тўғрисидаги аъзоларими? — деб сўради бирдан.

— Ҳа, — дедим барала.

— Шу ўқувчиларингизнинг ҳаммаси тўғрагингизга қатнашадими? — деб сўради у кўзларини лўқ қилиб.

— Албатта.

— Манови Манзура Холбекова ҳам тўғрагингиз аъзосими?

— Ҳа-да. Манзураҳон тўғрагининг фаолларидан. Ўзим шеър ёзди. Ёзан шеърларини шунангиз ўхшатиб ўқийди, эшитиб сел бўлиб кетасиз. Адабиёт илмин биздан ўрганган-да. Ўз фанимизга муҳаббат уйғота олганмиз, — дедим.

— Бизам Манзураҳоннинг шеърларидан бир эшитсанг, — деди текширувчи мижғовлашиб.

— Бахжонидил, — дедиму,

ни ҳам янги дафтарга қўйириб қўяман. Манзураҳон деганингиз эсда қолармиди? — деди у.

Ношлож:

— Энди, меҳмон, шеърни янаги келганда эшитсанг, — дедим текширувчи.

— Нега энди? — сўради у.

— Манзураҳоннинг мазаси қочиб, касалхонага тушиб қолдиби, — деб ёлғонни дангал эшитиб юборавердим: ёнимда "нинг" билан "ни"нинг фарқини мендан ўрганган Рўзқуллов турганди-да.

— Бекорларни айтибсиз, домла! Манзураҳон солпа-сол! — деди текширувчи.

— Сиз қаёқдан биласиз?

Адаштиратган бўлманг тагин?

— Нега адаштирай? Чунки Манзураҳон Холбекова бундан етти йил аввал 18-мактабни, уч йил бурун эса, институтни тамомлаб, ҳозир 34-мактабда ишламоқда, — деди текширувчи ҳар сўзини таъкидлаб.

— Сиз буларни қаёқдан биласиз? — дедим ҳайрон бўлиб.

— Нега билмай, — деди текширувчи қулимсираб. — Чунки Манзура Холбекова менин қизим бўлади!

"Нинг" билан "ни"нинг фарқини мендан ўрганган Рўзқулловнинг олдидан ер билан битта бўлиб туришман-у!.

Ҳе, ургудим, сендақа текширувчидан!

САИД АНВАР.

"KONKORDTRANSSEVIS" МЧЖга тегишли бўлган куйидаги

АТ серияли:

0005493 — ГБА СПГ ПА3-672 -11 L 0001; 005703 — ГБА СНГ ДАМАС ДАЕВОО — 10А 678 АА; 0005945 — ГБА СНГ ДАМАС — 01 Z 683 ВА; 0006010 — ГБА СПГ ДАМАС ГМ УЗ — 10 X 545 АА; 0006116 — ДАМАС СНГ — 01F961ВА; 0006224 — ДАМАС — 11X 7772; 0006228 — ДАМАС — 30X 1906; 0006605 — ФОРДТРАНЗИД — 01 В 907ДА; 0005944 — ДАМАС — 30F 7505; 0005946 — ГБА СНГ ДАМАС ДАЕВОО — 10V 739 АА; 0005947 ГБА СПГ ДАМАС ГМ УЗ — 10Y 794 АА; 0007552 — ДАМАС — 11V 1908; 0006119 — ДАМАС — 11U 1572; 0006121 — ДАМАС — 11W 3271; 0006226 — ГБА СНГ ДАМАС ГМ УЗ — 10 R 549 АА; 0007351 — ДАМАС-150 — 01 T 518 АА; 0006117 — ДАМАС — 11V 0279 рақамли лицензиялар йўқолганлиги ҳамда муддатли ўтганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

РАССОМ ХАНДАСИ



— Тулқивой, бўғирсоқни емагин, кампир унга Оҳангарон цементидан қўшиб пиширибди.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ



Муассис:

Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир

Убайдулла
АБДУШОҲИДОВ

Манзиллими: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар:

Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 236-55-54.

Эълонлар: 236-55-03, 236-53-54.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» тахририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Навбатчи муҳаррир

Жўра САЪДУЛЛАЕВ

Навбатчи

Ирода НОРБОВЕВА

Саҳифаловчи

Тоҳир МАҲМУДУЖАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади.

Буюртма Г-41.

Адади 12079.

Ҳажми — 2 табоқ, офсет усулида босилди, қўғоз бичими А-2.

ISSN 2010-9318.